# ХАЛҚ КОНТРОЛИ

№ 4 (264)

**БУ САҲИФАДА:**

- ● ДАЛА ИШЛАРИ СИФАТИ УЧУН .
- ● ТАКРОРИЙ ТЕКШИРГАНДА
- ● МАГНИТОФОН ҚИССАСИ
- ● МУҲИМ ТОПШИРИҚЛАР
- ● БЕЛИ ОҒРИМАГАНЛАР...

## СЕССИЯДА ҲИСОБОТ

**Халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Советининг яқинда бўлиб ўтган тўққизинчи сессиясида шаҳар халқ контроли комитетининг ҳисоботи тингланди. Бу масала юзасидан ахборот берган шаҳар халқ контроли комитетининг раиси Ў. Омонбоев жумладан қуйидаги фикрларни билдирди.**

**Шаҳарда 3 мингдан ортиқ халқ назоратчисини бирлаштирган 94 бош группа ва 26 пост ишлаб турибди. Шаҳар халқ контроли комитети қошида 9 та штатсиз бўлим, 97 штатсиз инспектор фаолият кўрсатяпти. 1983 йил ва шу йилнинг биринчи квартали мобайнида шаҳар халқ контроли комитети штатсиз актив ва кенг жамоатчиликка таянган ҳолда 84 та рейд ва текширишлар ўтказди. Натижада ишлаб чиқаришни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган камчиликлар аниқланиб, уларни зудлик билан бартараф этиш чоралари кўрилди. Хўжасизлик, исрофгарчилик ва кўзбўямачилик билан шуғулланаётган айрим шахслар қатъий жазоланди. Халқ назоратчилари томонидан ўрганилган баъзи масалалар шаҳар партия комитети бюроси ва шаҳар Совети ижроия комитети мажлисларида муҳокама қилиняпти.**

**Шаҳар халқ назоратчилари ишлаб чиқариш сифат ва самарадорлигини ошириш, янги резерв ва имкониятларни ишга солиш, юз бераётган айрим камчилик ва нуқсонларни тугатиш бўйича яна ҳам активроқ ва дадилроқ ҳаракат қилишлари лозим бўлади.**

**Сессияда шаҳар халқ контроли комитети ишини янада яхшилашга қаратилган қарор қабул қилинди.**

## САМАРАЛИ ЁРДАМ

Хўжалигимизда 65 нафар халқ назоратчиси бўлиб, улар ўзларига топширилган ҳар бир вазифани виждонан бажаришга ҳаракат қилишяпти. Колхоз эришган меҳнат муваффақиятларида сўзсиз назоратчиларнинг улкан ҳиссаси бор. Айниқса, Илҳом Ҳатамов, Иброҳим Турғунбоев, Холдорбой Пўлатов ва Турсунали Исатов каби фидокорлар тез-тез далачилик бригадалари, чорвачилик фермалари, автогаражда бўлишиб, ишдаги нуқсон ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этишга ҳисса қўшмоқдалар.

Бош группамизда 19 нафар назоратчи бор. Яқинда группа аъзолари техниканинг кўкламги дала ишларига тайёргарлигини текшириб чиқдилар. Текшириш натижасида 18 та ҳайдов, 28 та чопиқ, 20 та транспорт трактори, 28 та сеялка, 120 комплект тишли борона, 8 та чизель ва бошқа техника воситалари тайёр эканлиги аниқланди. Лекин, ҳамма механизаторлар ҳам ўз агрегатларини чигит экиш кампаниясига пухта ҳозирлашмаган экан. Жумладан, механизаторлардан Нишон Тиловов ва Шариф Бектемировлар ПГС мосламаларини ҳанузгача жойига қўймаганлиги, сеялкани эса тўлиқ ремонтсиз қабул қилиб олганликлари учун қаттиқ огоҳлантирилди. Шу билан бирга Қурбон Тошхўжаев, Халид Мустафоев ва Юрий Звягин каби механизаторлар ўз агрегатларини мавсумга пухта тайёрлаганликлари мамнуният билан қайд қилиб ўтилди.

Назоратчилар чорвачилик фермаларига қилган сўнгги рейдлардан бири жамғарилган ем-хашакни қандай сарфланаётганини текширишга бағишланди. Шунингдек, бир текширишда паррандачилик фермасидаги маҳсулдорликнинг камайиш сабаби ҳам аниқланди. Бунга сабаб товуқларга ўз вақтида тегишли рацион асосида сервитамин озуқалар берилмаётганлиги экан. Камчиликнинг олди олинди. Натижада сўнгги ўн кунликда тухум олиш 20 процентга кўпайди.

Умуман хўжаликдаги 8 та цех группасининг барчаси меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ишлаб чиқаришда сифат ва самарадорликка эришишда фаол иш олиб бораётир. Бунда Ойхўжа Саидаҳмедов, Усмон Абдураҳмонов, Собир Ширинов, Нодир Назаров, Михаил Пузанков ва Нусратулла Юнусов каби ташаббускор группа бошлиқларининг ҳиссаси каттадир.

Шу кунларда назоратчиларимиз бутун куч ва эътиборларини кўкламги дала ишларини қисқа фурсатларда юқори сифат билан бажаришга эришишга қаратганлар.

**А. ГАСАНОВ,**
**Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхози халқ контроли группасининг раиси.**





**● ЯНГИЙЎЛ пойабзал фабрикаси халқ контроли группаси аъзолари кенг истеъмол моллари сифатини яхшилаш устида алоҳида қайғурмоқдалар. Чапдаги суратда халқ назоратчиларидан К. Оқбўтаева ва Б. Жонкулова конвейердан чиққан болалар пойабзали сифатини кўздан кечирмоқдалар.**

**Ўнгдаги суратда эса сиз Тошкент асбобсозлик заводи токари Рустам Аҳмаджоновни кўриб турибсиз. У бешта ярим автомат станокни моҳирлик билан бошқаряпти. Тайёрлаётган деталларини биринчи кўрсатишдаёқ тақдим этмоқда. Рустам илғор ишчи бўлиш билан бирга жамоат ишларида ҳам актив қатнашаяпти.**

В. Сироткин фотолари

ОБЛАСТЬ ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

## ЁНИЛҒИНИ ТЕЖАБ САРФЛАНГ

Ҳисоб-китоб, назорат ишлари тўғри ташкил этилмаган жойда талон-тарожлик, кўзбўямачилик, исрофгарчиликка йўл очиб берилади. «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг моддий-техника таъминоти марказий базаси ва автобазасида айни шу аҳвол содир бўлган.

1983 йил IV квартали ва шу йилнинг дастлабки икки ойи мобайнида бирлашма автобазасининг юк машиналари 537,9 минг километрлик иш бажарганлиги ҳақида сохта ҳужжатлар тўлдирилган. Натижада ўтган йили 5,1 минг сўмлик 172 тонна ёқилғи талон-тарож қилинган, бажарилмаган иш учун эса ҳайдовчиларга 9,3 минг сўм ҳақ тўланган.

Автобазада ёнилғи-мойлаш материалларини асраш қониқарсиз аҳволда. Бу ерда инвентаризация актлари тузилмайди. Текшириб кўрилганда А-76 маркали бензиндан 813 литр, А-72 маркали бензиндан 1465 литр кам чиқди. Бензин сақланадиган цистерналар ерга ҳаддан ташқари чуқур кўмилганлиги туфайли уларнинг қопқоғидан сув кириб кетаётганлиги ҳеч кимни ташвишга солмайди. Машиналарга берилаётган ёнилғи аниқ ҳисоб-китоб қилинмайди. Ҳайдовчилар ёнилғини тежаганлиги учун тақдирланмайди, ортиқча исроф қилинганлиги учун эса жазоланмайди.

Моддий-техника таъминоти базасида тегишли автобаза ва ташкилотларга бензин тарқатишда кўзбўямачиликка йўл қўйилаяпти. Ўтган йили 6000 сўмлик 20 тонна бензин уриб қолинди.

Область халқ контроли комитети талон-тарожлик, кўзбўямачилик, исрофгарчиликни авж олдириб юборганлари учун бирлашма автобазаси директори Ш. Насриддинов, унинг ўринбосари Н. Усмоналиев, моддий- техника базаси мудири И. Раимов, мудир ўринбосари И. Байирбеков ва бошқа мутасадди шахсларни қаттиқ жазолади.

«Средазуголь» бирлашмаси бош директори А. Лелекога юз бераётган ушбу салбий ҳодисаларни зудлик билан бартараф этиш вазифаси топширилди.

## ИСРОФ БЎЛГАН ХОМАШЁ

Янгийўл консерва заводида хом ашё ва шиша идишлари сақлашга эътибор берилмайди. Ёғингарчилик пайтида ишлаб чиқариш цехлари, тайёр маҳсулот сақланадиган омборлар устидан чакка ўтиб маҳсулот сифати бузилмоқда. Масъулиятсизлик оқибатида корхона территорияси ва омборларда шиша синиқлари ва тўнука банкалар сочилиб ётибди.

Заводда ностандарт ва брак маҳсулотлар кўпайиб кетганлиги натижасида ўтган йили 167,7 тонна хом ашё исроф бўлган. Жумладан, 1983 йилда 140 минг шартли банка маҳсулот брак қилинган. Давлат мулкини сақлашга эътибор бермаслик туфайли 59,7 минг сўмлик шиша идишлар яроқсиз ҳолга тушган. Шу йилнинг январь-февраль ойларида ҳам эҳтиётсизлик туфайли кунига нормадан ташқари 1000 дан ортиқ шиша банкалар синдирилган. Завод раҳбарлари социалистик мулкни тежаб-тергаш бўйича ҳеч қандай чора кўрмаяптилар.

Ғазалкент вино заводи ишлаб чиқаришида ҳам қатор камчиликларга йўл қўйилмоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг айрим турлари талабга жавоб бермаяпти. Шу туфайли заводдагилар кўпинча ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотни қайта ишлашга мажбур бўлмоқдалар.

Корхонада бошқа хилдаги нуқсонлар ҳам юз бераётир. Жумладан, аҳолидан узум, олма қабул қилиш пайтида тегишли ҳужжатлар тўлдириш тартиблари бузилмоқда. Завод штатида турувчи тайёрловчилар, маҳсулот топшираётган одамлар ҳақида бухгалтерияга ҳеч қандай ҳужжатлар топширилмаган. Завод кассири Р. Мингалиева эса топширилган маҳсулот пулини қоидага хилоф равишда тарқатган.

Область халқ контроли комитети йиғилишида хўжасизликка йўл қўйганлиги учун Янгийўл консерва заводи директори вазифасини бажарувчи В. Супрунов, директор ўринбосари Н. Собиров, Ғазалкент вино заводи директори Э. Аванесовларга ҳайфсан эълон қилинди.

## ҚАРЗНИ ҚАЧОН УЗАСИЗ?

Оҳангарон районидаги Ворошилов номли совхозда сўнгги йилларда чорвачилик бирмунча оқсай бошлади. Айниқса, сут етиштириш соҳасида жиддий камчиликлар юз бермоқда, Совхоз давлатга сут топшириш планини 1982 йилда 84 процентга, 1983 йилда эса 89 процентга аранг етказди. Икки йил давомида давлатдан 259 тонна сут қарздор бўлинди.

Бунинг сабаблари кўп. Жумладан, хўжаликда қорамоллар бош сонини кўпайтиришга эътиборсизлик қилиняпти. 1983 йилда пландаги 692 бош ўрнига 506 бош бузоқ олинган. Шунингдек, хўжаликда молларни зооветеринария қоидалари ва илғор тажрибалар асосида боқишга аҳамият берилмайди. Натижада ўтган йил давомида озғин ва касалликка чалинган молларни сўйиш туфайли совхоз 27,4 минг сўм моддий зарар кўрган.

Область халқ контроли комитети жамоат чорвасига эътиборни сусайтириб юборгани учун совхоз директори Х. Сулаймоновга қаттиқ ҳайфсан берди ва хўжаликка етказилган моддий зарарнинг бир қисмини унинг маошидан ушлаб қолиш ҳақида қарор чиқарди.

ГРУППАЛАР ФАОЛИЯТИ

## ИШЧИЛАР СИГНАЛИ

Убайдулла ака 10 йилдан буён шу корхонада ишлайди. Ўзи олий маълумотли инженер. Ҳозир тайёр маҳсулотлар ва хом ашё бўлимига бошчилик қилмоқда. Пахтани сифатли сақлашдан тортиб, толаси ажратиб олинган чигитни ёғ-мой комбинатига жўнатишгача бўлган жараёнларнинг ҳаммасига бош-қош. Ўтган квартал давомида пахта тозалаш заводи буюртмачиларга 6629 тонна чигит, 4548 тонна тола, 740 тонна линт жўнатди.

Назоратчилар ўтган йилги ҳисобот-сайлов йиғилишида Убайдулла ака Абдураҳимовни ўзларига раис қилиб сайлашди. Тўғри сўзлиги, ишчанлиги, камчиликларга муросасизлиги учун ҳам Убайдулла ака кўпчиликнинг ҳурматини қозонган эди. Бу катта ишонч У. Абдураҳимов зиммасига янги масъулият юклади. Энди у ўзини барча соҳа учун жавобгар деб ҳис қила бошлади.

Цех ва участкаларда 8 та халқ контроли группаси тузилди. Уларга бирлашган 59 назоратчи маълум секторларга бўлинган ҳолда ҳаракат қила бошлади. Бош группа ва бюро назоратчилар фаолиятини назорат қилиб турди.

Группа аъзоларининг баҳамжиҳат ҳаракати туфайли кўпгина нуқсонларнинг олди олинди, иш самарадорлиги ва сифати ошди. Кейинги уч ой давомида назоратчиларнинг сезгирлиги билан 8 тонна ёнилғи, 7 минг киловатт-соат электр энергияси, кўплаб ўров материаллари тежаб қолинди.

Группалар иши жонланганлигидан ишчилар ҳам хурсанд бўлишди. Ҳар бир рейд якунини халқ контроли экрани орқали ўқиб, билиб туришди. Ўзлари кўрган-билган нуқсонларни ҳам кейин назоратчиларга маълум қилиб боришди. Улардан тушган сигналларнинг бирида тайёрлов пунктларидан заводга пахта ташиш чоғида бир қисми йўлйўлакай тўкилиб қолаётганлиги маълум қилинган эди. Шу сигнал асосида дарров оператив группа тузилиб, Муротали ва Оқтепа тайёрлов пунктларига жўнатилди. Назоратчилар бунтлардаги пахтанинг ҳолатини кўздан кечиришди, автотранспортчилар ишини кузатишди.

Тайёрлов пунктларида пахтани сақлаш технологиясига тўла амал қилинаётган эди. Лекин, 82-автобаза шофёрлари машинага ортилган пахтанинг устини чодир билан тўла ўрашга эътибор беришмаётган экан. Шунинг натижасида пахтанинг бир қисми катта йўл бўйларига тўкилиб қолаётган эди.

Рейддан кейин бўлиб ўтган йиғилишда бу нуқсонлар автобаза раҳбарларига етказилди. Дарҳол шофёрлар қўшимча чодирлар билан таъминланди, йўл бўйларида тўкилган пахтани териш учун одам ажратилди.

Тарозибон Людмила Свирцова таклифи билан ишчилар ошхонасига ҳам рейд уюштирилди. Текширув давомида таомлар хилининг камлиги ва овқатлар сифатсиз тайёрланаётганлиги маълум бўлди. Бу камчиликлар шаҳар умумий овқатланиш корхоналари директори Пўлат Жамоловга кўрсатилди. Кўрилган чоралар туфайли ҳозир таомлар хили кўпайган.

Рейдларнинг кўпчилигига бош группа раиси Убайдулла Абдураҳимовнинг ўзи раҳбарлик қилмоқда. Бош механик Икромжон Насриддинов, слесарь Петро Шушира каби актив назоратчилар унга яқиндан ёрдам бермоқдалар.

**Д. НАСРИДДИНОВ,**
**Пискент шаҳри.**

НАЗОРАТЧИЛАР ПОЧТАСИДАН

## ЎРИНСИЗ ЎРИНДОШЛАР

Ленин район халқ контроли комитети юборган назоратчилар Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз ремонт заводи цехларида бўлиб, бир қатор текширувлар ўтказдилар. Рейд давомида заводда ўринсиз ўриндошлар борлиги маълум бўлди. Назоратчиларнинг аниқланишича завод бош бошқармасининг омбор мудири Л. Макова бир неча йилдан бери фаррошлик маошини ҳам олиб келар экан. Аслида эса унинг супурги ушлаганини ҳеч ким кўрмаган.

Тепловоз цехларининг слесари С. Гришин эса асосий ишидан ташқари сантехниклик ҳам қилган эмиш. С. Гришин куни бўйи цехда бўлади-ю, қачон сантехник сифатида водопровод ва канализация системаси ремонтида қатнашган экан. Ишчилар мана шунга ҳайрон бўлишяпти.

Учар одамлар бошқа участкаларда ҳам топилиб қолди. Пўлат қуйиш цехи слесари В. Кец, электроаппарат цехи ишчиси М. Самадовлар ҳам ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ икки кишининг маошини олиб келишган экан.

Заводдаги бундай бебошликлар бош бухгалтер В. Дебердиева, кадрлар ва хўжалик ишлари бўйича завод бошлиғининг ўринбосари С. Таранюкка ҳам маълум бўлса-да, лекин улар ўзларини билмасликка олиб юришди. Бу орада учарлар 15 минг сўмни киссага уриб кетишди. Назоратчилар текширувидан сўнг ўринсиз ўриндошлар тегишли жазоларини олдилар. Молиявий интизомни бузганлар кўпчилик ўртасида изза бўлиб қолдилар.

**А. БАҲОДИРОВ.**

ҚАРОР ВА ИЖРО

## ХУЛОСА ЧИҚАРИШМАПТИ

Бўстонлиқ район халқ контроли комитетининг 1983 йил 22 сентябрдаги қарори билан 23-қурилиш трестига қарашли 2-механизациялашган кўчма колонна бошлиғи Б. Кирсанов зиммасига йўл қўйилаётган молиявий камчиликларни бартараф этиш вазифаси юкланганди.

Бу ташкилотда айрим шахсларга меҳнат қонунига хилоф равишда ҳақ тўланган. Жумладан колонна бошлиғига хизмат қилувчи енгил автомашина шофёри Турғун Ғуломов ўтган йил давомида 5 разрядли монтажчи сифатида маош олган. 80 сўмлик маош билан секретарь машинисткаликка қабул қилинган О. Каткина эса амалда 112 сўм иш ҳақи олиб юрган. Кейинчалик О. Каткина ишдан ажралган ҳолда олти ойлик бухгалтерлар тайёрлаш курсига юборилган бўлса ҳам маошини тўлиқ олаверган. Техник-геодезист вазифасига қабул қилинган М. Короткова эса омбор мудири лавозимига қўйилган. Натижада ўтган йили М. Коротковага ойлик маошидан ташқари 399 сўм 77 тийин ҳақ тўланган.

Район халқ контроли комитети бу ташкилотда иккинчи бор текширув ўтказганда юқоридаги каби камчиликлар ҳанузгача тугатилмаганлиги маълум бўлди. Ваҳоланки, кўчма колонна раҳбарлари ушбу камчиликларни тугатганликлари ҳақида 1983 йил 15 ноябргача комитетга жавоб юборишлари лозим эди.

Яқинда район халқ контроли комитетида бу масала қайта кўриб чиқилди. Колонна бошлиғи Б. Кирсановга ишдаги нуқсон ва камчиликларни тугатишга масъулиятсизлик билан қараганлиги учун қаттиқ ҳайфсан берилди. Асоссиз равишда сарфланган давлат маблағининг бир қисмини Б. Кирсанов, бош бухгалтер В. А. Борш, план бўлими бошлиғи Н. Саъдиевалардан ундириб олишга қарор қилинди.

Ўтган йили кўчма колонна бўйича бош пудрат ишлари плани бажарилмади. Бунга сабаб коллективда меҳнат интизомининг бузилаётганлиги, ишга раҳбарликнинг яхши йўлга қўйилмаганлигидир. Колонна маъмурияти бундан тез орада жиддий хулоса чиқариб, молиявий қоидаларнинг бузилиш ҳолларига чек қўйиш керак.

**Н. МИРЗАЛИЕВ,**
**халқ назоратчиси.**




## ЎТМАС МАТОҲНИ МАҚТАБ...

Кўпдан бери енгилгина мавсумий туфли тикдирмоқчи бўлиб юрардим. Мана, ниҳоят бугун вақт топиб шаҳримиздаги маиший хизмат комплекс қабул пунктларининг бирига кирдим. Мени бошига лагандек фуражка қўндириб олган, тақа мўйловли йигит ўз қадрдонини учратгандек, очиқ чеҳра билан кутиб олди.

— Эй, келинг окахон, келинг! Қалай соғ-саломат юрибсизми? Келинойимиз, бола-чақалар...

Очиғини айтсам мен бироз довдираб қолдим. Ахир ўзингдан катта одам «ока — окалаб» айланиб - ўргилгандан кейин... Ҳа, ана муомала-ю, мана, мижозга эътибор. Баракалла-е! Қани энди бошқа жойларда ҳам одамларни мана шунақа қарши олишса.

Ниҳоят кепкалик йигит гапдан тўхтаб, бутун диққат-эътиборни менга қаратди.

— Кечирасиз, баҳорга мос енгилроқ пойафзал тиктирмоқчи эдим, — дедим секин.

— Э, буни қарангга, жуда аъло ўйлабсиз-да, — уста гапни илиб кетди. — Муҳими, бизнинг олдимизга келиб яхши қилибсиз. Пойафзалларнинг энг зўри, энг моднийси ўзимизда. Биласизми, цехимиздаги уддабурон ходимлар сизга ўхшаш окахонларимизнинг дидига мос пойабзалларни олдиндан тикиб қўйишган. Буюртма қилиб, вақтингизни ўтказиб юрмайсиз. Марҳамат, кўнглингизга ёққанини танлайверинг.

У ишора қилган пештахта устидаги пойабзалларни кўздан кечира бошладим. Бу ерда ҳар хил туфлилар тиқилиб ётибди. Ҳаммасининг ҳам товони бир қаричдан кам эмас. Пойабзаллар менинг дидимга ўтиришмади. Яна қабул пункти вакилига мурожаат қилдим:

— Ҳар қалай ўзимга мослиб тиктирсам, деган эдимда.

Вакил яна сўзимни бўлиб, молларини мақтай кетди:

— Ҳайронман, сиз наҳотки шунча туфлилардан бирontасини ҳам ёқтирмаётган бўлсангиз. Ҳаммаси энг сўнгги мода бўйича тикилган-а. Афсус, афсус. Сизга айтсам биз якка буюртмалар қабул қилмаймиз. Умуман ҳозир якка буюртма қабул қиладиган пунктни топиш қийин. Келинг, яхшиси, мана, шу пойабзалларнинг бирини олиб, мазза қилиб кийиб юринг.

Мен бу ердан узримни айтиб чиқиб кетдим. Аммо, шу куни шаҳардаги бир неча маиший хизмат комплекс қабул пунктларига кириб бирон жойда ҳам буюртма беролмадим. «Ташоблобувьрембит» ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳозирги пайтда асосан оммавий равишда пойабзал тикишга эътибор бериларкан. 1983 йилда бирлашманинг 15 та корхонаси 1810 минг сўмлик 644 минг жуфт пойабзал тикибди. 1984 йилнинг январь — февраль ойларида ҳам корхоналар биронта ҳам якка буюртма бажармабди. Ваҳоланки, шу икки ой давомида 497,7 минг сўмлик пойабзал тикилган. Лекин, оммавий равишда тикилаётган бу пойабзаллар харидорлар талабига жавоб бермаслиги туфайли пештахталарда чанг босиб ётибди.

1984 йил 1 январида уларнинг нархи арзонлаштирилганлиги туфайли бирлашма 51,3 минг сўмлик моддий зарар кўрди. Шунга қарамай бирлашма раҳбарлари бу ҳолнинг олдини олиш учун жиддий чоралар кўрмаётирлар. Аҳолидан буюртмалар қабул қилиш пунктлари, ўзлари тиккан «харидорбоп» пойабзалларни сотиш пунктларига айланиб қолган. Бу ерларда буюртмалар қабул қилиш тўғрисида эълонлар осилмаган.

Кийиб юрган пойабзалингиз ремонт талаб бўлиб қолса ҳам бир бало экан. Шаҳар ва районларда ишлаётган 285 этикдўзнинг кўпчилиги хомашё материаллари йўқ, деб зорланди.

Хуллас, бирлашмада барча куч оммавий равишда пойабзал тикишга ташланиб, аҳолининг талаблари билан шуғулланиш ҳеч кимнинг хаёлига келмаяпти. Бирлашма техник Советида аҳоли талаб-эҳтиёжлари пухта ўрганилиб муҳокама қилинмайди. Шу туфайли ҳам маиший хизмат ходимлари қабул пунктларига буюртма бермоқчи бўлган кишиларга илтифот билан ўзларининг «модний» туфлиларини рўбарў қилишмоқда. Исонинг кийимини Мусога кийдириш деб шуни айтсалар керак-да.

**А. РАҲИМБЕРДИЕВ.**

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

## ТЎРТ ОЙДАН БЕРИ САРСОНМАН

Кутилмаганда ВЕФ — 260 маркали магнитофоним бузилиб қолди. Гарантияси бўлгани учун шаҳримиздаги «Зангори экран» устахонасига элтиб бердим. Ўша куни 1983 йилнинг 8 декабри эди.

— Ўн кундан кейин хабар олинг, тузатиб қўямиз, — дейишди усталар.

Айтилган кун устахонага бордим. Лекин магнитофон ҳали тузалмабди. Яна ўн кундан кейин келинг дейишди. Шу тариқа янги йил ҳам келди. Ҳамон магнитофоннинг тузалишидан дарак йўқ эди.

Кунлар ҳафталарни қувлаб ўтаверди. Охири устахона бошлиғи М. Н. Намга мурожаат қилдим.

— Сизни кўп овора қилишибди-ю, мен ўзим улар билан гаплашиб қўяман, деди у.— Икки кундан кейин киринг, магнитофонингиз албатта тайёр бўлади.

Лекин бошлиқ ҳам ваъдасининг устидан чиқмади. Тўрт ойдан бери бугун келинг, эрта келинг деб мени сарсон қилишяпти. Наҳотки гарантияси бўлган магнитофонни тузатиб бериш шунчалик қийин бўлса?-

**М. МИНГАЗОВ.**
**Ангрен шаҳри.**

